



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент тиббиёт академияси

ректори, профессор

Л.Н.Туйчиев

«28» декабр 2017 йил

**Тошкент тиббиёт академияси Илмий Кенгаши йиғилишининг
__6__ сонли БАЁНИ**

Тошкент шаҳар

«27» декабр 2017 йил

Раислик қилувчи: Л.Н.Туйчиев - Тошкент тиббиёт академияси
ректори, профессор

Қатнашдилар: Тошкент тиббиёт академиясининг
Илмий Кенгаш аъзолари (рўйхат
бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси “Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили” давлат дастури юзасидан академияси жамоаси томонидан бажарилган ишлар.

Маърузачи – Маънавият-маърифат ишлари бўйича проректор Бобомуратов Т.А.

2. Тиббий таълимни узлуксизлигини таъминлашда олий таълим муассасалари билан ҳамкорликнинг ўрни.

Маърузачи – Академик лицей ва касб – ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор Баймаков С.Р.

3. Турли масалалар.

Л.Н.Туйчиев профессор А.Е. Аталиевнинг 80 ёшга, Д.К. Нажмитдинованинг 60 ёшга тўлганлиги, Тошкент шаҳар Олий таълим муассаса талабалари ўртасида ўтказилган спорт турлари бўйича мусобақаларда Даволаш факультетининг талабалари Олимов О. 1-ўрин, Умаркулов Б. 1-чи ўрин, Ниязов М. 3-ўрин, Болтабоев И. 3-ўрин, Ақромова З. кўлга киритилган ютуқлари муносабати билан табрикландилар.

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Кун тартибининг биринчи саволи бўйича маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор Бобомуратов Т.А. маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган). Маъруза ҳисоботи қониқарли деб қабул қилинсин.

1.1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бўйича 2017 йил - Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастури юзасидан Тошкент тиббиёт академияси жамоаси томонидан амалга оширилган ишлар қониқарли деб топилсин.

Масъул: Маънавият-маърифат ишлари бўйича проректор Бобомуратов Т.А., факультет деканлари

Муддат: йил давомида

1.2. Барча факультетларда талабалар, уларнинг ота-оналари билан очик мулоқат қилиши учун “Талабалар қабулхоналари”, “Ота – оналар кенгаши” ишини тўғри ва самарали ташкил этиш йўлга қўйилсин.

Масъул: Маънавият-маърифат ишлари бўйича проректор Бобомуратов Т.А., факультет деканлари

Муддат: йил давомида

1.3. Ижарада яшайдиган талабалар билан ишлашни самарадорлигини ошириш уларни яшаш шароитлари билан танишиш аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва бажарилиши таъминлансин.

Масъуллар: Маънавият-маърифат ишлари бўйича проректор Бобомуратов Т.А., бош мураббий О.М.Миртазаев, факультет деканлари

Муддат: йил давомида

1.4. Академия мураббийлар кенгаши ва тузилган ишчи гуруҳ томонидан гуруҳ, курс, факультет мураббийларини 2017-2018 ўқув йилининг биринчи ярим йилликдаги фаолиятини ўрганиш асосида 2018 йил учун қўшимча ҳақ билан рағбатлантириш режаси ишлаб чиқилсин.

Масъуллар: Маънавият-маърифат ишлари бўйича проректор Бобомуратов Т.А., молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор Магзумов И.Х., бош мураббий О.М.Миртазаев, ишчи гуруҳ, факультет деканлари

Муддат: 2017 йил декабр ва 2018 йил январ

2. Кун тартибининг иккинчи саволи бўйича Академик лицей ва касб – ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор Баймаков С.Р. маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган). Маъруза ҳисоботи коникарли деб қабул қилинсин.

2.1. ТТА Академик лицейида таълим сифатини ошириш, битирувчиларни ОТМ га кириш имтихонларига тайёрлаш, уларнинг билимларини мунтазам назорат қилиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилсин.

Масъул: ТТА академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори С.Р.Баймаков, академик лицей директори А.Р. Шермуратов

Муддат: доимий

2.2. ТТА ва тиббиёт коллежлари ўқитувчилари ҳамкорликда коллеж ўқувчилари учун янги авлод ўқув адабиётлари (электрон қўлланма) яратиш йўлга қўйилсин;

Масъул: ТТА академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори С.Р.Баймаков, АЛ ва КХК билан ишлаш бўлими бошлиғи Ш.Ф. Усмонова, кафедра мудирлари

Муддати: 2017-2018 ўқув йили охиригача

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Олий таълим вазирликларидан келган буйруқлар билан ички назорат инспекцияси ва мониторинг бўлими бошлиғи профессор Ў.М.Миршарапов таништирди (1-илова).

4. Магистратура бўлимига турли мутахассисликлар бўйича қўшимча қабул қилинган 26 талабаларни илмий-тадқиқот ишлари мавзулари тасдиқлансин (2-илова).

Олий таълим муассасаси
кенгаш котиби



Г.А. Исмаилова

Ўқув ишлари бўйича
проректори



Ш.А. Боймурадов

Маънавият-маърифат ишлари
бўйича проректор



Т.А. Бобомуратов

Илмий ишлари бўйича
проректори



Т.А. Набиев

Академик лицей ва коллежлар
бўйича проректор

С.Р. Баймаков